

# «ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК, ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИННИГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»

# *мавзуудаги Республика XIV илмий-назарий конференциясининг материалари*

14



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,  
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ  
ТАДЌИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ  
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИННИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Республика XIV илмий-амалий  
конференция материаллари**



**Тошкент – 2022**

“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” // Республика XIV илмий-амалий конференция материаллари. 14-илмий тўплам [Тошкент давлат шарқшунослик университети. Масъул муҳаррир тар.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов] Тошкент: 2022.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартағи 101-Ф-сон фармойиши, Ўзбекистон ОЎМТ Вазирлигининг 2022 йил 14 мартағи 97-сон буйруғи, ТДШУ ректорининг 2022 йил 17 мартағи 79-УМ-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 21 апрель куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган “**Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари**” мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 14-навбати материаллари эълон қилинмоқда.

Анжуман ТДШУ илмий-тадқиқотлар режаси асосида шартномавий ҳамкор ташкилотлар – ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Темурйилар тарихи давлат музейи, ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**Масъул муҳаррир:**

*Тарих фанлари доктори, профессор М.М. Исҳоқов*

**Тақризчилар:**

*Тарих фанлари доктори, профессор Ж.Х. Исмоилова*

*Тар.ф.н., доц. Р.Р. Алимова*

**Таҳрир гурухи:**

**Одилов Б.А., Мадраимов А.А.,**

**Худойназаров И.Б., Бекмурадов С.Т.**

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2022 йил  
30 апрель куни бўлиб ўтган 9-сонли навбатдан ташқари  
Кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

4. “1289/1872-73 йили дор ус-салтанатининг ичкари қалъасида арк дарвозасининг муқобаласида бир мадраса иморат қилдурдиким, бу мадраса иморатнинг иши ўтган йили бошланиб қиши фасли келгани учун нотамом қолмиш эрди., ушбу йил итмомға етди”. – Огаҳий. Шоҳид ул-иқбол. 2096-210а вароқ.

5. “Санаи ҳижрия 1285/1868-69 йилга таҳвил топди. Ушбу йил ичинда воқеа бўлғон воқеалардин бири улким, ... Муҳаммадмурод девонбеги ... Хивақ шаҳрида ... Сайид Алоуддин мақбарасининг кунботар жонубида... мадраса сангин фарроҳбино иморат қилдурди”. – Огаҳий Гулшани давлат. 243а вароқ.

6. Ўз МДА (хозирда Миллий архив), ф-И-125 рўйҳат 1, йиғмажилд 596. Иш 1. 15 в

7. “Фирдавс ул-иқбол”да Пиримхўжа эшон мадрасаси 1811 йил қуриб битказилганлиги ҳақида маълумот бор. Қаранг Мунис ва Огаҳий “Фирдавс ул-иқбол”. / табдил кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, И. Бекжон, Н. Полвонов. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент. Янгиаср авлоди, 2010. – Б.371.

8. Ўз МДА(хозирда Миллий архив), ф-И-125 рўйҳат 1, йиғмажилд 596. Иш 1. 15 в

9. Гулямов Я.Г. памятники города Хивы. // Труды Узбекистанского филиала АН СССР. Серия I: История, археология. Вып. III – Ташкент 1941-С40.

10. Ўз МДА(хозирда Миллий архив), ф-И-125 рўйҳат 1, йиғмажилд 596. Иш 1. 8 в

11. Чориев З.У. Тарихий атамалар изоҳли луғати. – Тошкент. Академия. 2001. – Б. 78,79.

12. Asian Journal of Multidimensional Research ISSN: 2278-4853Vol. 10, Issue 12, December 2021 SJIF 2021 = 7.699 A peer reviewed journal. <https://tarj.in> QOZIKHONA AND RELIGIOUS RULE IN KHIVA KHANATE IN THE BEGINNING OF XIX-XX CENTURIES. S. Khusanov

## МАНГИТЛАР ДАВРИДА БУХОРОДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

*Мақсаду Бешимов – Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек давлатчиликининг муҳим таркибий қисмларидан бўзлган мангитлар сулоласининг давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт, мактаб ва мадраса таълим тизими, амирларни илм-фанга муносабати каби масалалар илмий жиҳатдан таҳлил этилган

*В данной статье рассматриваются вопросы государственного управления мангытской династии, социально-экономической и культурной жизни, системы школ и медресе, отношения мангытских эмиров к науке и образованию.*

*This article scientifically analyzes such issues as public administration, socio-economic and cultural life of the Mangit dynasty, the system of school and madrasah education, the attitude of the emirs to science, which are important components of the Uzbek statehood.*

Маданий жараёнларнинг бир йўналиши бўлмиш меъморчилик тарих, санъат, ижтимоий воқеалар натижаси, давр маърифати ва билимлар даражасини ифода этади. XIX асрда Ўрта Осиё хонликларида архитектура иншоотлари турлари янада такомиллашди. Бунинг натижасида кўплаб жамоат бинолари, жумладан, карвонсаройлар, кўприк, сардоба, ҳаммом, савдо расталари қурила бошлади, Монументал биноларнинг тархи, қиёфасида ўзгартишлар юз берди. Монументал архитектурада, бир томондан аввал ишлаб чиқилган композицион схемалар изидан бориш, иккинчи томондан эса махаллий ўзига хосликнинг намоён бўлиши, кўзга ташланади.

Амир Ҳайдар ҳукмронлик қилган даврда Бухорода Чор минор - Халифа Ниёзқул мадрасаси (1807), масжидлар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қурилди, Халифа Худойдод мажмуаси қурилиши давом эттирилган. Бухорода Амир Ҳайдар онасига атаб махсус мадраса, Қаршида Али мадрасаси ва Мир Муҳаммад мадрасасини ҳам қурдирган. Чор Минор ёдгорлигига тўхталиб ўтадиган бўлсак: Чор Минор мадрасасини туркман Халифа Ниёзқул 1807 йилда қурдирган. Тўғри тўртбурчакли ҳовли атрофида бир қаватли устун айвонли хоналар жойлаштирилган.

Жануби - ғарб томонидаги бурчакда синчли масжид қаватли бўлиб, пастки қавати мадрасага кириш учун йўлак вазифасини бажарса, тепадаги иккинчи қават кутубхона бўлган. Чор Минор содда архитектураси ҳамда ажойиб композицияси билан XIX аср меъморчилигига оригинал кўринишга эгадир. Ахмад Донишнинг ёзишича, Амир Ҳайдар ҳукмронлик қилган даврда Бухорода илм-фан, хусусан, тарих ва ислом илмлари ривожланган. Амир Ҳайдар мадрасаларда таҳсил олиб бориши учун Истанбул, Кобул ва бошыя шаҳарлардан кўплаб қўлёзма китобларни олиб келишни буюрган. Унинг ўзи муентазам равишда сабоқ берган, мадрасаларда дарс ўтган. Амир Ҳайдар «ал-Фавоид ал-алфия» номли фиқхнинг ханафия мазҳабига оид асар ҳам ёзган.

Мангит ҳукмдорлари мамлакатнинг ободончилик ишларига ҳам катта эътибор қаратганлар. Амир Насрулло томонидан ва унинг даврида Бухорода Қози Ҳасанхўжа, Олимжонбой, Эшони Пир, Мирзо Убайд, Модориҳон, Исмоилхўжа (1829) Алий Чўбин, Мирзо Абдулғаффор, Тожиддин мадрасалари (1860) курилди, Халифа Худойдод меъморий мажмуасининг қурилиши якунланди (1855). Амир Абулаҳадхон мамлакат ҳаётини яхшилаш мақсадида бирқатор ислоҳотлар ўтказган: савдо-сотик ишларига қулай шарт-шароитлар яратиб берган, қоракўл тери савдоси ривожлантирилганн, амирлик ҳудудида эрости фойдали қазилмалари: мис, темир, олтин қазиб олиниши йўлга қўйилиб, кончилик ривожлантирилган. Шаҳардаги ободончилик ишларига ҳомийлик қилган, савдо тоқлари таъмиранган, Янги Бухоро (Когон), Ялта, Железноводск шаҳарларида саройлар барпо эттирилган.

Бухоро амирлигига XIX аср ўрталарида меморчиликда туар жойлар архитектурасида маҳаллий услублар шаклланган. XIX асрда монументал биноларнинг, айниқса ички қисмларини кошин, тош, ганч, ёғоч ўймакорлиги билан безатилган. Наққошлиқда айниқса ислимий нақши ривож топган. Бухоро амирлигининг Россия протекторатига айлантирилиши маҳаллий меморчиликда рус услублари таъсирини кучайтирган<sup>1</sup>. XVIII аср охири – XIX аср бошларида Бухоро ва Хива меъморчилигига бинолар конструкциялари янада такомиллаштирилган. Жоме масжидлари сарой типида серҳашам қилиб барпо этилган, гузар-маҳалла масжидлари қишлиқ ва ёзлик катта айвонли қилиб қурилган.

Бу даврда Бухорода бунёд этилган обидалардан бири Ситораи Моҳи Хосса (форсча-юлдуз ой макони) – Бухородан 4 км шимолда жойлашган мангит сулоласи вакиллари томонидан бунёд этилган сарой-боғ Ситораи Моҳи Хосса саройи икки қисмдан, яъни эски ва янги сарой ҳамда ғишт тўшалган 3 ҳовлидан иборат. Эски сарой Бухоро туар жойлари руҳида барпо этилган бир - икки қаватли ўйлардан иборат. Анъанавий уч қисми комплекс бўлиб, ундаги дастлабки бинолар Насруллохон (1826–1860) ва Музаффархон (1860–1885) ҳукмронлиги даврида қурилган. Абулаҳадхон (1885–1910) томонидан эса 1892-йилда қурилиш якунланиб, сарой ва боғ барпо этилади. Эски сарой бир қанча вақт Россияда рус меъморлари иши билан танишган уста Ҳожи Ҳофиз бошлиқ Бухоро меъморлари томонидан қурилган бўлиб, шу туфайли Эски сарой тарихида Европа меъморчилигининг элементларини ҳам кузатиш мумкин.

Эски саройнинг шарқида Амир Сайид Олимхон ҳукмронлиги (1910–1920) даврида Янги сарой барпо этилган. Бир қаватли бўлган ушбу сарой “Т” шаклида қурилган. Янги сарой бир қатор бинолар - оқсарой, ойнаванд айвон, кутиш хонаси, амирнинг қабулхонаси, ҳарам, масжид, хазина, ҳайвонотхона ва бошқа хўжалик хоналаридан иборат. Янги сарой Эвропа ва маҳаллий анъанавий меъморчилигининг аралашмасидан иборат бўлиб, кўпгина хоналар рус муҳандислари Сакович ва Маргулислар раҳбарлигига бунёд этилган. Фақатгина 1912–1914-йилларда қурилган қабулхона ва оқсарой бинолари Бухоро усталари томонидан бунёд этилган.

Амир қабулхонаси даҳлизи деворлари тўлиқ ганчли нақшлар билан безатилган. Хонанинг деворларидаги гулдон ва гуллар шакли уста Ҳасанжон томонидан ишланган. Қабулхонадан оқсарой хонасига ўтилиб, ушбу хона икки йил давомида машхур меъмор уста Ширин Муродов раҳбарлигига (25-30 киши) қурилиб пардозланган. Оқсаройнинг кўзгуларидан иборат деворига шарқнинг жимжимдор нафис нақшлари жозибадор гуллари оппоқ ганч билан ишланган. Сарой Мангитлар даври архитектурасининг ёрқин намуналаридан бири бўлиб ҳисобланади

XIX аср охири – XX аср бошларида Мир Араб мадрасаси ёнида, Пойи Калон ансамбли таркибида Амир Олимхон мадрасаси бунёд этилди. Мадрасанинг пештоқли дарвозасидан

ичкарига кирилади. Мадраса икки қаватли, түртбурчак шаклдаги ҳужралар билан ўралган. Катта хонаси гумбазли том билан ёпилган.

Манғитлар даври ёдгорликларидан яна бири бу Болоҳовуз масжидидир. Унинг рўпарасида XX асрда бухоролик уста Қурбон Йўлдошев баланд айвон солдиради. Уста Ширин Муродов эса кичик минора тиклайди. Нафис накшлар айвон шифтининг авайлаб сақлаб келинишини таъминлаган. Ансамбл ўзининг бадиий нафосати билан Регистон майдонининг таркибий қисмига айланган. Болоҳовуз масжиди ҳозирги кунгача Регистон майдонида сақланиб қолинган ягона ёдгорликдир.

Манғитлар даврида ижод қилган шоирлар, Бухоро адабий муҳити тўғрисида сўз кетганда Мирзо Содик Мунший, Муҳаммад Шариф Осиф, Жунайдулло Ҳозик, Аңсаб Бухорий, Фитрат Вардонзехий, МужримОбид, Қори Раҳматуллоҳ Возех, Шамсаддин Шоҳин, Ожиз, Аҳмад Дониш, Мирзо Сомий, Саҳбо, Шарифжон Маҳдум кабиларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Мирзо Содик Муншийнинг илмий-адабий меросида “Охугир ва Хайробод туманларига саёҳат”, “Қисмат”, “Дахмаи шоҳон” достонлари бош ўринни эгаллайди. Аштархоний ҳукмдорларининг фаолиятидан баҳс юритувчи Дахмаи шоҳон” назмий асарида ҳар бир ҳукмдорнинг ўз тилидан унинг фаолиятига баҳо берилади. Ҳаётлик даврида қилган яхши-ёмон ишлари, ҳатто пушаймонлари назмий баён усулида чиройли ифода қилиб берилади.

### **Фойдаланилган манба ва адабитёлар**

1. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. / Асарлар. 8 жилдик. 1-жилд. Т: Ўздавнашр, 1963. – Б. 97.
2. Айний С. Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. Т: Ўздавнашр 1963. – Б. 249.
3. Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. / Куллиёт. 16 жилд. Жилди - 10. – Душанбе: 1966.
4. Айний С. Муқанна исёни. Т: Фан, 1994.
5. Аҳмад Маҳдуми Дониш. Рисола ё муҳтасаре ах таърихи салтанати хонадони манғития”. – Душанбе: 1991.
6. Beshimov Maqsud. BUXORO BOZORLARI. // – Panjakent-2021. TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2: 100-102
7. Temirov F, Xolova U. PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage. Volume: 2 Issue: 01 | 2022
8. Temirov F. PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage. Volume: 2 Issue: 01 | 2022
9. Temirov F., Umarov B. Practical application of family, marriage and inheritance rights in bukhara emirates // Scientific progress. - 2021. - Т. 2. - №. 1. - S. 1201-1207.

### **МАНҒИТ ҲУКМДОРИ – АМИР ШОҲМУРОД ИСЛОХОТЛАРИ**

*Дилишод Шаропов – Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

**Аннотация.** Уибу мақолада Бухоро амирлигига ҳукмронлик қилган мангитлар сулоласининг вакили Амир Шоҳмурод даврида ижстимоий-иктисодий ва маданий ҳаёт, давлат бошқаруви, ичик ва ташқи сиёсати каби масалалар илмий жиҳатдан таҳлил этилган

*В данной статье научно проанализированы социально-экономическая жизнь, государственное управление, внутренняя и внешняя политика Бухарского эмирата при правлении эмира Шахмурада, вышедшего из династии Мангитов.*

*This article scientifically analyzes issues such as socio-economic and cultural life, public administration, domestic and foreign policy during the reign of Amir Shah Murad, a representative of the Mangit dynasty in the Bukhara Emirate*

<b>Сайдов Ш.</b> ХХСР ва РСФСР ўртасидаги дастлабки шартнома қандай имзоланган эди .....	254
<b>Аминов Ҳ.</b> Темурийлар давлатида қайси эътиқодий ва фикҳий мазҳаб амалда бўлган? .....	257
<b>Тўхтабоев Ҳ.</b> Демократик жараёнлар ривожланишига сиёсий элита таъсирининг хусусиятлари .....	261
<b>Темиров Ф., Холова У.</b> Бухоро амирлигига кутубхоначилик .....	266
<b>Хакимова Д.</b> Новый узбекистан начинается с порога школы .....	268
<b>Xolmonova N.</b> Xiva xoni Sherg'ozixon: tarix va talqin .....	272
<b>Адилов Ж.</b> Александр Бекович-Черкасский юриши тарихи Макгаҳан нигоҳида .....	276
<b>Хусанов С.</b> Хива мадрасалари .....	278
<b>Бешимов М.</b> Мангитлар даврида Бухорода маданий ҳаёт .....	281
<b>Шаропов Д.</b> Мангит хукмдори – Амир Шоҳмурод ислоҳотлари .....	283
<b>Boltayev B.</b> O'zbekistonda zamonaliviy muzeylarning tashkil topishi va taraqqiyot istiqbollari .....	286
<b>Бекмурадов С.</b> Чигатой улуси бошқарувида ички ва ташқи зиддиятлар .....	290
<b>Rajabov O.</b> O'rta asrlarda Islom rivojiga hissa qo'shgan buxorolik olimlar .....	296
<b>Наимов И.</b> Табобатда Ибн Синонинг намунаси .....	300
<b>Мирзаев А.</b> Туркистон ўлкаси савдо-саноат ширкатлари фондларида пахтачилик масалаларини ёритилиши .....	304
<b>Хомидов Д.</b> Туркистон мухториятини тузиш ва унинг фаолиятида Носирхон Тўра Камолхон Тўра ўғлиниң фаолияти .....	307
<b>Авазов Ф.</b> XV асрнинг ўрталарида темурийлар давлатидаги сиёсий вазият .....	310
<b>Иминов Ж.</b> Жадидчи Тошпўлатбек Норбўтабековнинг Боку Съездидаги Совет мустамлакачилигининг танқиди .....	313
<b>Курбонов А.</b> Ўрта Осиёning бронза даври жамоа ибодатхонаси хусусида .....	315
<b>Махкамов А.</b> Бухоро ҳалқ совет республикасининг Афғонистон ва Москвадаги мухтор вакили Абдураҳим Юсуфзода фаолиятидан .....	318
<b>Omonxonov J.</b> Ismoil Somoniy maqbarasi xususida .....	321
<b>Razzoqov D.</b> Amir Temur va Shoxruh Mirzo davrida xitoydagi min sulolasi bilan savdo-elchilik va diplomatic munosbatlar .....	323
<b>Abdullayev H.</b> Amir Temur diplomatiyasi .....	328